

ДИЛШОД ИСРОИЛОВ

# ФУТБОЛНИНГ СЕҲРЛИ ОЛАМИГА САЁҲАТ

ёхуд  
жаҳон чемпионатлари  
тарихидан



ДИЛШОД ИСРОИЛОВ

ФУТБОЛНИНГ СЕҲРЛИ  
ОЛАМИГА САЁҲАТ  
ЁХУД ЖАҲОН  
ЧЕМПИОНАТЛАРИ  
ТАРИХИДАН

Тошкент  
«Янги аср авлоди»  
2010

**75.578**

**И82**

**Исроилов, Дилшод**

Футболнинг сеҳрли оламига саёҳат ёхуд жаҳон чемпионатлари тарихидан / Д.Исроилов. - Т.: Янги аср авлоди, 2010. - 156 б.

Миллионлар ўйини – футболнинг навбатдаги фестивали бошланишига ҳам саноқли вақт қолди. Турнир олдидан мухлисларга ўзига хос совға бўлувчи мазкур китобда жаҳон чемпионатлари тарихи, рекордлар, энг сермаҳсул тўпурарлар ҳақида лавҳалар ўқимишли тарзда баён этилган. Шунингдек, миллий терма жамоамизнинг 1998 йилги чемпионатдан бошлаб барча саралаш турнирларидаги иштироки ёритилган.

Мазкур китоб футболнинг ашаддий мухлислари учун муносиб совға бўлишига ишончимиз комил.

**ББК 75.578**

ISBN 978-9943-08-558-9

© Дилшод Исроилов. «Футболнинг сеҳрли оламига саёҳат ёхуд жаҳон чемпионатлари тарихидан». «Янги аср авлоди», 2010 йил.  
156 бет

## МУХЛИСЛАРГА МУНОСИБ ТУҲФА

Кейинги йилларда серқуёш юртимизда курраи заминда «Миллионлар ўйини» деб тан олинган футбол мавзуида қалам тебратувчи журналист ҳамкасбларимизнинг тобора кўпайиб бораётганлиги мухлисларимиз учун қувонарли ҳолдир десак адашмаймиз. Айнан уларнинг саъй-ҳаракатлари натижаси ўлароқ қуйидаги қизиқарли китоблар муҳтарам ўқувчиларимиз қўлларига етиб борди:

Россия пойтахтидаги «Санжар» нашриёт уйи 1979 йилда авиация ҳалокати қурбонлари бўлган шонли ва шавкатли командамиз аъзоларига бағишланган «Пахтакор» — 79» китобини чоп этди (координатор Олим Ашировнинг рафиқаси Луиза Аширова).

Ўтган асрнинг 60-йилларидаги энг иқтидорли футболчиларимиздан бири Акмал Азизхўжаев қаламига мансуб «Хужум ҳимоядан бошланади» ҳужжатли қиссаси, Владимир Сафаров ва Сергей Даниловларнинг «Пахтакор»да тўп тепиб элимизга танилган буюк ҳужумчи Биродар Абдураимовга бағишланган «Ўзбек футбол афсонаси» китоби нашрдан чиқди.

Чорак асрдан ортиқ вақт давомида ўзининг серқирра ижоди билан футболимиз тарғиботи борасида ҳормай-толмай меҳнат қилиб келаётган азиз дўстимиз ва садоқатли ҳамкасбимиз Дилшод Исроилов ҳам бу соҳада республикамизнинг етакчи журналистлари қаторидан салмоқли ўрин олган. Унинг чарм тўп ўйини ҳақидаги туркум мақолалари ва қизиқарли интервьюлари ўзининг тўлақонли ва сермазмунлиги билан севиб ўқиб келинмоқда.

Жумладан, Дилшод Исроиловнинг ўзбек футболга 90 йил тўлиши, «Пахтакор» (Тошкент) жамоаси ташкил этилганлигининг 40 ва 50 йилликлари, машғум авиация ҳалокатида кўз юмган пахтакорчилар хотирасига бағишлаб баракали ижод қилгани, шунингдек, футболимизнинг етакчи вакиллари Биродар Абдураимов, Геннадий Красницкий, Акмал Азизхўжаев, Михаил Ан, Миржалол Қосимов, Игорь Шквирин, Азамат Абдураимов-

лар ҳаёти ва фаолияти мавзусидаги кўплаб мақола ҳамда интервьюлари мухлислар дилидан жой олганлигининг гувоҳимиз. У футбол шарҳловчиси сифатида «Тошкент оқшоми» газетаси саҳифаларида 1990 йилдан буён барча жаҳон чемпионатларини мунтазам ёритиб келади.

Эътиборли томони шундаки, Дилшодбек таржима борасида ҳам катта маҳорат билан ижод қилмоқда. Ўзбекистоннинг XX асрдаги энг яхши футболчиси Геннадий Красницкий ҳақидаги «Бетакрор истеъдод соҳиби» ва ёшлар ўртасида Европа чемпиони Михаил Ан ҳамда унинг ака-укалари Дмитрий ва Иннокентийларга бағишланган «Ака-ука Анлар» таржима китоблари фикримиз далилидир.

Азиз ўқувчи, қўлингиздаги китоб Дилшод Исроиловнинг кўп йиллик изланишлари ва серқирра ижодининг ўзига хос ҳисоботи-дир. Унинг мазмунли саҳифаларида мухтарам шинавандаларимиз 1930 йилда Уругвай мамлакатига бўлиб ўтган илк жаҳон чемпионатидан тортиб шу йил ёз кунларида Жанубий Африка Республикаси стадионларида ташкил этиладиган навбатдаги курраи замин футбол фестивалигача бўлган давр воқеалари билан атрофлича танишишлари мумкин. Шунингдек, китобда жаҳон чемпионатлари рекордлари ва унинг энг сермаҳсул тўпурарлари ҳақидаги лавҳалар ўқимишли тарзда баён этилган, чемпионатлар давомида олинган фотосуратлар китоб саҳифаларини яна ҳам безаганлиги диққатга сазовордир. Миллий терма жамоамизнинг 1998 йилги чемпионатдан бошлаб барча саралаш турнирларидаги иштирокининг статистик рақамларга бой, мушоҳадавий тарзда ёритилиши ҳам китобнинг ўзига хос томонларидан ҳисобланади.

Футбол соҳасида ижод қилувчи республика кўрик-танловлари ғолиби, забардаст журналист ва қадрли дўстимиз Дилшод Исроиловга азиз мухлисларимиз томонидан севиб ўқиладиган бири-бирдан қизиқарли китоблар яратишида янги-янги ижодий парвозлар тилаб қоламиз.

*Ахбор ИМОМХЎЖАЕВ,  
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган  
ёшлар мураббийи, мамлакат журналистларининг  
«Олтин қалам» Миллий мукофоти соҳиби*

## МОЗИЙНИНГ ШОҲИДЛИК БЕРИШИЧА

Жаҳондаги спорт турларининг саноғига етиш қийин. Лекин тан олиб айтиш керакки, футбол барча спорт турлари орасида энг оммабопи, сеvimлиси ва бир сўз билан айтганда унинг шоҳидир. Зеро, сеvimли жамоаси мағлубиятга учраганида телевизорини деразадан улоқтириш, ўзини поезд тагига ташлаб жонига қасд қилиш, кучли ҳаяжон остида стадионда юрак хуружидан ҳаётдан кўз юмиш ҳоллари ҳам фақат футбол ўйини вақтида юз берган. Футбол мамлакат ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб улгурган Бразилияда эса айрим муҳим ўйинлар пайтида ҳатто парламент мажлислари ҳам кўчириларкан.

Тасвирлашга тил ожиз бўлган чиройли голлару инсон хаёлини шошириб қўядиган даражадаги гўзал комбинациялар, дарвоза тўсинини титратиб юборадиган кучли зарбалару бемисл шиддатли ёриб ўтишлар ҳам футболга хос хусусиятлардандир. Яна бир алоҳида таъкидлаб ўтишга арзийдиган томони шундаки, футбол энг қадимги спорт турлари қаторига киради. Гарчи миллионлар ўйини расман 1863 йилда Англияда кашф этилган деб ҳисобланса-да, ушбу лагофатли ва бетакрор спорт турининг илдизлари узоқ тарихга бориб тақалади.

Қадимги Хитой, Япония, Рим империяси — мазкур ўтмиш цивилизацияларидан тўп тепаётган эркакларнинг қояга ўйилган, металлга ёки матога туширилган тасвирлари бизгача етиб келган, шунингдек, қимматбаҳо ёзма манбалар ҳам мавжуд.

Эрализгача бўлган 2697 йилга тааллуқли қадимги Хитой манбаларида замонавий футболга ўхшаш ўйин тасвири учрайди. Бунда жамоалар Хитой императори шоҳидлигида тўп сурган бўлиб, ғолибларни гул, вино ва қимматбаҳо идишлар билан тақдирлаганлар. Ютқазган жамоа ўйинчиларини эса мухлислар кўзи олдида бамбук таёқчалари билан савалаганлар.

Эрализга қадар 2650 йилдаги япон қўлёзмаларида ҳам футболга ўхшаш ўйин тасвирланади. Ушбу ўйин император саройи ҳовлисида ўтказилиб, белгиланган вақт давомида тўп дарвоза-

га киритилиши лозим эди. Ушбу қадимий япон «футболи» қоидаларига кўра тўп ерга тушмаслиги керак эди. Шу сабабдан тўп доимо ўйинчилар оёғида бўларди.

Қадимги Грецияда ҳам футболга ўхшаш ўйин мавжуд эди. Бунда иккига бўлинган жамоалар замонавий регбига ўхшаш ўйин билан машғул бўлсалар-да, фақат қўл билан ўйнашга рухсат берилмасди. Бундан ташқари, футбол ўйинига ўхшаш қадимги ўйинлар тасвирлари ва тўплардан намуналар ҳам киши эътиборини тортади. Қизиғи шундаки, қадимги Греция ва Римда тўп ўйинлари аёл ва эркакларнинг таълим ва жисмоний тарбиясидаги ажралмас қисм бўлган. Бу ҳақда Афинадаги Миллий археологик музейдан ўрин олган эрамызгача бўлган V асрга тегишли мраммрдан ишланган барельеф далолат беради.

Энг қадимги тўплар эса бизгача Мисрдан етиб келган (эрамыздан аввалги 2000 йил). Улар ёғоч, тери ва ҳатто папирусдан тайёрланган.

Кейинчалик футболга ўхшаш ўйин қадимги Италия, Англия ҳамда ҳали Колумбнинг қадами етмаган Америкада, шунингдек, Россияда ҳам юзага келди. Бундай тарихий мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин. Бироқ бизнинг мақсадимиз курраи заминдаги энг оммабоп, миллионлар ўйини ҳисобланмиш футболнинг юқори чўққиси бўлмиш жаҳон чемпионатларининг тарихига назар ташлаб, имкон қадар ёритишдир. Зеро, футбол бўйича жаҳон чемпионатларининг ҳар бир учрашуви тарих зарварақларидан ўрин олади, журналистларни мушоҳадага ундайди, ишқибозу мутахассислар томонидан батафсил таҳлил қилинади. Шуни алоҳида қайд этиш мумкинки, спорт оламида фақат футболдагина жаҳон чемпиони унвони Олимпиада чемпиони унвонидан юқори туради. Шу мисолдан ҳам жаҳон чемпионатларининг нақадар улкан нуфузга эга эканлигини ўзингиз сезиб олишингиз қийин эмас.

Мана, илк бор Африка қитъасида — Жанубий Африка Республикаси яшил майдонларида навбатдаги XIX жаҳон чемпионатининг финал босқичи ўйинлари бошланишига ҳам оз фурсат қолди. Унда машаққатли саралаш босқичларидан ўтган бугунги кундаги энг кучли терма жамоалар иштирок этадилар.

Таъкидлаш керакки, жуда кўп футболчилар ушбу турнирда бир мартагина бўлса ҳам қатнашишни ўзлари учун катта шараф деб биладилар. Футбол осмонида чақнаган янги чарм тўп юл-



СУРАТЛАРДА: Афинадаги Миллий археология музейида сақланаётган эрамыздан аввалги V асрга тааллуқли мармар барельеф; Мисрдан топилган энг қадимги тўплар намуналари.

дузлари ҳам асосан курраи замин чемпионати ўйинларида синовдан ўтиб ё шуҳрат чўққисига янада баландроқ кўтарилади-лар ва бутун жаҳон уларни олқишлайди ёки футбол олами уларни унутади. Яъни, жаҳон чемпионатлари — бу буюк футбол юлдузларининг бетакрор баҳси ҳамдирки, бундан курраи заминимизнинг миллиард-миллиард аҳолиси баҳраманд бўлади. Шу боис азиз футбол ишқибозлари, сизлар учун навбатдаги шундай бетакрор турнир арафасида жаҳон чемпионатлари тарихи ҳақида қисқача маълумот беришни лозим топдик.



## ТАРИХГА БИР НАЗАР

ёхуд 26 йилдан сўнг ҳаётга татбиқ этилган ғоя

Футбол бўйича жаҳон чемпионатларини ташкил этиш ғояси Халқаро футбол федерацияси – ФИФА тузилганидан сўнг кўп ўтмасдан – 1904 йилда туғилган эди. Бундай ташаббусни ўша вақтда ФИФАнинг биринчи президенти Р.Герен (Франция) ва вице-президент голландиялик К.Хиршманлар кўтариб чиқишган эди. Айнан Хиршманнинг ўзи бир неча ойдан сўнг жаҳон чемпионатини ўтказишнинг батафсил режасини таклиф қилган эди. Бироқ бундай ажойиб режа ҳаётга татбиқ этилмади. Боиси, унга Англия вакили қарши чиқиб, турли мамлакатларда футбол қоидалари ҳар хил талқин қилинишини таъкидлаган ҳолда жаҳон чемпионатини ўтказиб бўлмаслигини асослашга ҳаракат қилди. У шунчалик ишонарли маъруза қилдики, кўпчилик делегатларни ўз томонига оғдириб, чиройли режани чиппакка чиқаришга муваффақ бўлди.

Гереннинг ўрнига ФИФА президентлигига англиялик Д.Вулфолл сайланганидан сўнг у ушбу мавзуга қайтиш юзасидан барча уринишларга чек қўя бошлади. Шундай бўлсада, ФИФА таркибига Америка қитъаси вакиллари – Аргентина, АҚШ ва Чили кирганидан сўнг жаҳон чемпионатини ўтказиш масаласи яна кун тартибига чиқди. Энг муҳими, франциялик Жюль Римэ тимсолида Хиршман ишончли шерикка эга бўлди.

Асосан юқоридаги икки жонкуяр инсоннинг саъй-ҳаракатлари билан 1914 йилнинг июн ойида бўлиб ўтган ФИФА конгрессида 1916 йили Берлинда ўтказиладиган олимпия турнирини расман жаҳон чемпионати деб аташ тўғрисида қарор қабул қилинади. Бироқ мазкур режа ҳам ҳаёт юзини кўрмади. Бу гал унга I жаҳон уруши монелик қилди.

Вулфоллнинг ўлимидан сўнг Халқаро футбол федерациясини Жюль Римэ бошқара бошлади.

1926 йилда ФИФА конгрессида Ж.Римэнинг яқин ёрдамчиси А.Делоне 1924 йилдаги Олимпиадада ўтказилган футбол турнири (унда 22 миллий терма жамоа қатнашганди) натижаларини таҳлил қилар экан, футбол энг оммавий спорт турига айланиб бораётганини таъкидлаган ҳолда уни «Олимпиада ўйинлари девори ортида» ушлаш жоиз эмаслигини билдирди. Шунда ФИФА ижроқўми футбол бўйича жаҳон чемпионатларини дои-

мий ўтказиш имкониятларини ўрганиш вазифаси топширилган комиссия тузади. Комиссия ўз фикрини ижроқўмга тавсия этганидан сўнг, 1928 йилнинг 29 майида Амстердамда ўтказилган ФИФА конгрессида 25 та қўллаб-қувватловчи ва бешта қарши овоз билан 1930 йилдан бошлаб ҳар 4 йилда бир мартадан «Футбол бўйича жаҳон Кубоги» деб расмий номланувчи жаҳон чемпионатларини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинади. Дастлабки турнир ўтказиладиган жойни танлаш масаласи 1929 йилнинг 18-19 май кунлари Барселонада ўтказилган ФИФА конгрессида ҳал қилинди. Чемпионатни ўтказишга эса Италия, Испания, Венгрия, Голландия ва Уругвай мамлакатлари давogarлик қилаётган эди. Узоқ давом этган мунозаралардан сўнг чемпионатни Уругвайда ўтказишга қарор қилинди. Бунга кўп жиҳатдан 1930 йилда республиканинг мустақилликка эришганига юз йил тўлиши ҳам сабаб бўлди. Зеро, жаҳон чемпионати улкан тантаналарнинг муҳим воқеаси бўлиб қолиши ҳам эътиборга олинган эди.

Йиғилишда Уругвай делегацияси вакили Буэродан «Монтевидеода футбол баҳсларини ўтказиш учун катта стадион борми?», дея сўраганларида эса у табассум билан: «Бу борада ҳеч қандай муаммо йўқ. Мен эртагаёқ қурилишни бошлашлари лозимлиги тўғрисида шошилишнома жўнатаман», — дея жавоб қайтаради.

Дарҳақиқат, атиги саккиз ой ичида Уругвай пойтахтида замонавий «Сентенарио» стадиони қад ростлади.

Уругвайликларнинг жаҳон чемпионатини қабул қилишга жиддий равишда интилишларининг яна бир сабаби бор эди. У ҳам бўлса, бу даврга келиб 1924 ва 1928 йилги Олимпиадаларда кетма-кет ғалаба нашидасини сурган, «Тўп сеҳргарлари» номини олган уругвайлик чарм тўп усталари ўзларининг деярли цирк санъати даражасига кўтарилган, юксак техникага асосланган ўйинлари билан бутун курраи замин олқишига сазовор бўлган эдилар.

Бироқ қизиғи шундаки, уругвайликларни жаҳоннинг энг кучли футболчилари деб ҳисобламасликка жиддий бир сабаб бор эди. Зеро, ўша пайтларда ҳам профессионал футболчилар бўлиб, уларнинг Олимпиада ўйинларида қатнашишлари тақиқланарди. Юқорида таъкидланганидек, шу мулоҳазалардан келиб чиқиб, Олимпиадалар ўтмайдиган ҳар тўрт йилда бир бор профессио-



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi  
<https://kitobxon.com/oz/asar/1835> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси  
<https://kitobxon.com/uz/asar/1835> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию  
можно найти на сайте  
<https://kitobxon.com/ru/asar/1835>